

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 12-сон**



4. Musayev K. Badiiy tarjima v anutq madaniyati. Toshkent: O'qituvchi, 1976. 158b.
5. Musayev K. Tarjima nazariyasi asoslari. T: Fan, 2005. 352 b.

## **ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ПЕРИФРАЗЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ**

А.А.Хайдаров (БухДУ доценти)

С.Б.Абдурахмонова (БухДУ II боскич магистранти)

E-mail: sidiqa.abdurakhmonova@gmail.com

**Аннотация:** Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги перифразалар ўрганилади ва уларнинг лингвистик асослари муҳокама қилинади. Бундан ташқари, мақолада перифразаларнинг нутқда ишлатилиши, олимларнинг перифраза ҳақидаги турли назариялари ва фразеологик бирикмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Перифраза, парафраза, фразеология, маъно, конкрет, эвфемистик, стилистик, субъектив, объектив, тоифа, экстралингвистик, компонент.

## **ИЗУЧЕНИЕ И ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПЕРИФРАЗОВ АНГЛИЙСКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ**

А.А.Хайдаров (доцент БухГУ)

С.Б.Абдурахманова (II курс магистр БухГУ)

Электронная почта: sidiqa.abdurakhmonova@gmail.com

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы изучения и лингвистические основы перифраз на английском и узбекском языках. Кроме того, статья включает использование перифраз в речи, различные точки зрения ученых о перифразах и особенности фразеологических соединений.

**Ключевые слова:** Перифраза, парафраза, фразеология, смысл, конкретный, эвфемистический, стилистический, субъективный, объективный, категория, экстралингвистический, составная часть.

## **STUDY AND LINGUISTIC BASES OF PERIPHRASES IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES**

A.A.Haydarov (Associate Professor of BSU)

S.B.Abdurahmanova (II year master of BSU)

E-mail: sidiqa.abdurakhmonova@gmail.com

**Abstract:** This article deals with the study and linguistic bases of paraphrases in the English and Uzbek languages. Besides, the article includes the usage of paraphrases in speech, different view points of scholars about paraphrases and the special features of phraseological compounds.

**Keywords:** periphrasis, paraphrase, phraseology, meaning, concrete, euphemistic, stylistic, subjective, objective, category, extralinguistic, component.

Тил фикр ифодалаш жараёнида олға сурилаётган мақсад ва ғояни турли усуллар билан руёбга чиқариши мумкин. Бадий ва публицистик усулда айтилаётган фикр кўпинча тантанали ҳолатда бўлади. Бу тилнинг таъсир кучи билан бевосита боғлиқдир.



Эмоционал хусусиятга эга бўлган сўзлар сўзловчи ёки ёзувчининг предмет, воқеа-ходисаларга муносабатини ёки унинг турли хил ҳаяжонини ифодалайди.

Баъзи сўзларнинг семантик структурасидан эмоционаллик, ҳис-ҳаяжон ва воқеа-ходисага муносабат ифодаланса, айрим сўзларга турли эркалаш, севиш ва кичрайтириш каби қўшимча маъноларни қўшиш билан эмоционаллик ҳосил қилинади. Эмоционал лексика бадийликни оширади, таъсирчанликни кучайтиради. Тингловчи ва ўқувчи диққатини айтилаётган фикрга кўпроқ жалб этади, унинг ҳиссиётига таъсир этади.[1.6]

Сўзлашув нутқи маълум шароитда махсус тайёргарликсиз тўғридан-тўғри юзага чиқади. Бундай нутқ эркин, бетакаллуф бўлганлиги учун унда расмийлик ва жимжимадорлик бўлмайди. Булар сўзлашув нутқининг катта стилистик имкониятларга эга эканлигини кўрсатади.

Сўзлашув нутқидаги лексик воситаларнинг асосий кўпчилиги эмоционал бўёкли бўлади. Бадий асарларда бундай ёрдамчи воситалардан ёзувчилар кенг фойдаланиб, асар таъсирчанлиги ва жозибadorлигини таъминлайдилар. Ана шундай стилистик воситалардан бири – перифразалардир. Перифраза ёки парафраза мавжуд сўзга нисбатан синонимик ибора тарзида муносабатда бўлган нарса ва ҳодисани ўз номи билан эмас, тасвирий усул билан маълум контекст, ситуациядаги характерли белги-хусусияти орқали ифодаланадиган стилистик приём.[2.67]

Перифразалар талқини рус тилшунослигида атрофлича ўрганилган. Шу боисдан ўзбек тилшунослиги ва инглиз тилшунослигида перифразалар талқини русча луғатларда изоҳланган. О.С.Ахманованинг “Словарь лингвистических терминов” изоҳли луғатида парафразани мақола сифатида келтирмай, парафраза терминига ишора қилиш билан чекланган. “Парафраза” - инглизча “paraphrase”, “periphrasis”, французча “periphrase”, немисча “periphrase”, испанча “periphrasis” сўзларидан келиб чиқиб, тасвирий ифода маъносини беради. Бошқача айтганда, бирор сўзни, баъзи предметларнинг сўзлар орқали оддий ифодаланишини тасвирий ифода билан алмаштиришдан иборат бўлган кўчим демакдир.[3.312] Бундан ташқари поэтик перифраза, парафраза, табу ва эвфемистик перифраза деб қайд этилади. Рус тилшунослигида перифразаларга берилган таърифлар бошқа тиллардаги луғатлар учун асос бўлганлиги сир эмас. Шу боисдан ўзбек тилшунослигида академик А.Ҳожиёвнинг 1985 йилда нашр этилган “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғатида ҳам, 2002 йилда нашр этилган луғатда ҳам “перифраза” ёки “парафраза” юнонча “paraphrasis” – тасвирий ифода, тасвир деб тарифланган.

А.Ҳожиёвнинг перифразага берган биринчи изоҳи “Рус тили энциклопедияси”даги изоҳ асосида шаклланганлиги маълум. Қиёсланг: предмет, тушунча, ҳодисани унинг муайян контекст ситуациясидаги қандайдир томони хусусиятини ажратиб кўрсатиш йўли билан тасвирий усулда ифодаловчи стилистик приём. 2002 йилдаги луғатда А.Ҳожиёв ушбу тушунчани бирмунча ихчамлаштирган, яъни маълум контекст ситуациясидаги сўзларни тушириб қолдирган.

Перифразаларнинг луғатлардаги талқинида кўзга ташланадиган русча лингвистик терминлар луғатларида парафраза ҳам, перифраза ҳам бир ҳодиса сифатида тушунилади. Бу ҳол ўзбекча тилшунослик терминларида ҳам ўз аксини топган. Русча “Хорижий тиллар луғати”да бу икки парафраза-перифраза терминлари фарқланган ва улар бир ҳодиса эмас, балки икки ҳодиса сифатида қайд этилган. “Парафраза”- грекча paraphrasis – тасвирий оборот, тасвир. Лекин шу луғатнинг перифразага бағишланган



мақоласида муайян аниқлик киритилган ва бу ҳодисанинг кўчим турларидан бири эканлиги ўз ифодасини топган.

Тилшунослиқда перифраза кўчиш турларидан бири эканлиги қайд этилиб, турлича талқин этилади. Жумладан, инглиз тилшунослигида И.В.Арнольд ўзининг “Стилистика современного английского языка” асарида перифразалар ва уларнинг нутқда қўлланилиши ҳақида етарлича маълумотлар берган.[4.46]

Перифразаларнинг илмий талқини яна бир неча дарслик ва мақолаларда ўз аксини топганлигини кўриш мумкин. Жумладан, ўзбек тилшунослигида Х.Шамсиддинов ушбу лингвистик тушунча ҳақидаги фикрларини бир қатор мақолаларида баён этган бўлса, инглиз тилшунослигида эса, А.Г.Гальперин перифразаларнинг нутқда қўлланилиши ҳақида қимматли фикрлар баён этган. Юқоридаги олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, перифразалар ҳақида қуйидаги фикрларни изоҳлаш мумкин:

- 1) Перифразалар таърифи, изоҳи масаласи;
- 2) Перифразаларнинг фразеология билан умумий ва хусусий жиҳатлари;
- 3) Перифразаларнинг тил ва нутққа муносабати;
- 4) Мазкур масалани ягона термин билан аташ масаласи;
- 5) Перифразанинг субъектив омил маҳсули эканлиги, лекин шу билан бирга объективликни инкор этмаслиги;
- 6) Унинг иккиламчи ва қайта номлашга мансублиги;
- 7) Перифразаларнинг вужудга келишида умумийлик ва хусусийлик каби фалсафий категорияларнинг амал қилиниши;
- 8) Перифразаларнинг пайдо бўлишида экстралингвистик ва психолингвистик омилларнинг таъсири;
- 9) Перифразаларнинг матнда учраши ва уларнинг имлоси масаласи.

Кузатишлар натижасида перифразанинг фразеологизм билан умумий ва хусусий жиҳатлари бир-бирига яқин туриши аниқланди, аммо перифраза предмет-ҳодисани қайта номлайди, фразеология эса белгини, ҳолатни ва ҳаракатни қайта номлашни далиллайди ҳамда перифраза ҳам фразеологизмлар каби тил факти сифатида тан олинади.

Перифразалар таснифидан ўрин олган фразеологик парафразалар тушунчаси ҳам муайян мулоҳазани юзага келтиради. Тилшунос олимларнинг фикрича, парафразаларнинг фразеологик характерда бўлиши, турли тизимли тилларда турлича эканлигини курсатади.

Фразеологик бирикмаларнинг асосий хусусиятларидан бири уларнинг турғунлигида, яъни барқарорлигида, бошқача қилиб айтганда бирикманинг семантик белгилигидадир. Фразеологик бирликлар тахлили шуни кўрсатадики, метонимия, муболаға, ўхшатиш ва перифраза каби стилистик приёмлар билан боғлиқ булади.

Масалан:

Ўзбек тилида: *Қош қўяман деб, кўз чиқармоқ; қордан қутулиб, дўлга тутилмоқ.*

Инглиз тилида: *It goes without saying; so much; well begun is half done, better late than never.*

Инглиз тилидаги кўпгина турғун бирикмалар метафорик, метонимик, гипербола, ўхшатиш, перифрастик маъноларни ифодалайди. Масалан: *As busy as a bee; as white as a chalk; as like as two peas; maiden Speech; black frost, part and parcel; safe and sound; fair and square; by hook or by crook; to have one's head in the clouds; to pull one's leg; a lame duck in a nutshell.*





Фразеологик бирикмалар, фразеологик синонимлардек нутқда бутунлигича, таркибидаги компонентларни ўзгартирмаган ҳолда ҳам ишлатилади. Фразеологик перифразалар ва уларнинг синонимлари ҳаётий воқеалар, тарихий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва давр ўтиши билан эскириб, истеъмождан чиқади. Фразеологик перифразалар оғзаки нутқда кўп учрайди. Аммо уларни бадиий асарларда ҳам кўп учратиш мумкин. Улар бадиий асар таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Фразеологик перифразалар машҳур инглиз ва америкалик адиблар – В.Шекспир, Ж.Г.Байрон, Жек Лондон, Эрнест Хемингуэй, Теодор Драйзер асарларида кўплаб учрайди. Бу ёзувчилар китобхонларга завқ бағишлаш ва асарнинг таъсирчанлигини оширишда перифразалардан унумли фойдаланганлар.

Шундай қилиб, кузатишлар натижасида тилда соф перифразалар, контекстуал перифразалар, нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи перифразалар мавжудлигига амин бўлдиқ, ҳамда перифразалар тасвирий ифода, кўчим турларидан бири эканлиги аниқланди. Улар тегишли сўзларнинг синонимларини ташкил этади, уларнинг вазнлари, луғат таркибида фразеологик бирлик тарзида киради. Бундан ташқари перифразаларнинг маъноси кенг матнларда очилади. Перифразаларда мотивлашув масаласи алоҳида илмий изланишнинг мавзуси эмас, лекин мотивлашувга алоқадор қайдлар йўл-йўлакай учраб туради. Инглиз тилида “white gold”, “black gold” каби иборалар учрагани каби, ўзбек тилида “оқ олтин”, “қора олтин” каби мотивлашган сўзлар учрайди.

Перифразаларда мотивлашув ҳақида навбатдаги ишларимизда фикр юритамиз.

#### Адабиётлар

1. Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши. Номзодлик дисс. автореферати. – Т.: 2009.- Б.6.
2. Ҳожиев А. Лингвистик бирликларнинг изоҳли луғати. Т.: 1985.- Б.67.
3. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М.: СЭ. 1966. –С.312
4. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. –М.: Просвещение. 1990. –С.46.
5. Haydarov, Anvar Askarovich and Navruzova, Nigina Hamidovna (2021) "STYLISTIC FEATURES OF INTONATION," Scientific reports of Bukhara State University: Vol. 5 : Iss. 1 , Article 2. DOI: 10.52297/2181-1466/2021/5/1/2 <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol5/iss1/2>

#### THE PROBLEMS OF THE MEDICAL TERMINOLOGY ON ENGLISH LANGUAGE.

Shomurotova Bibixon Uktamovna Lecturer, Department of English language,  
Urgench branch of Tashkent Medical Academy, Email address: [bibixon86@mail.ru](mailto:bibixon86@mail.ru)  
[Tel:+998974580810](tel:+998974580810)

*Abstract:* The article considers the problems of medical terminology, such as synonymy, polysemy, eponymy and others, as well as various judgments about the phenomena of a linguistic nature.

*Key words:* medical terminology, term, problems, synonymy, polysemy, emotional coloring of the term, eponym, terminological combinations.

#### ПРОБЛЕМЫ МЕДИЦИНСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА.

Шомуротова Бибиҳон Уктамовна